



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 9 апрель, № 71 (8694)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ АВТОМОБИЛСОЗЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ҲУДУДГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 8 апрель куни саноатнинг юқори технологик тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда амалга оширилаётган лойиҳалар, маҳаллаларда аҳоли даромадларини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш, янги корхоналар қурилишига старт бериш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини муҳокама қилиш мақсадида Жиззах вилоятига ташриф буюрди.



Биринчи манзил Фориш туманидаги "Basalt Uzbekistan" кластери бўлди.

Фориш худуди бўйича вилоятда энг катта туман. Лекин ердан фойдаланиш самарадорлиги анча паст эди. Адир ва яйловларда, асосан, чорва боқилиб, саноат корхонаси йўқ эди.

Етти йил аввал Форишга саноат кириб келди — Олмосов конидан базальт тошини қазиб олиб, ундан тола тайёрлаш йўлига қўйилди. Ноб, инновацион технология асосида қурилиш саноати учун муҳим бўлган арматура ва сеткалар ишлаб чиқарила бошланди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил январь ойида бу корхонага ташриф буюриб, унинг фаолиятини янада кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосида бозордаги талаб,

хомашё олинадиган конлар ўрганилди. Германия, Франция, Италия, Чехия каби давлатлардан энг замонавий технологиялар келтирилди. Натижада 300 гектар майдонда умумий қиймати 498 миллион долларлик олти лойиҳа ташкил этилиб, корхона кластерга айлантилди.

Давлатимиз раҳбари хомашё тошлари ва тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди. Кластерда йилига 177 минг тонна базальт тошидан махсус тола, директ ровинг, фибра, арматура, композиция гесетка, қувурлар, мато ва иссиқлик-изоляция плиталари каби 42 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, ўтган йили 45 минг тонна 554 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган. Уларга дунёда талаб юқори. Маҳсулотларнинг 80 фоизи АКШ,

Буюк Британия, Польша, Италия, Чехия, Грузия, Россия, Туркия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинган.

Кластерда 1 минг 700 дан ортиқ кишилар иш билан таъминланган.

Мутахассисларнинг айтишича, базальтдан тайёрланган қурилиш материаллари зангламайди. Енгил, лекин мустаҳкам. Бетон қоршималарининг ишқорли муҳитига, тузли ва кислота аралашмаларига чидамли. Деворга базальт материали ишлатиш мустаҳкамликни оширади, бинодо иссиқликни яхши сақлайди. Енучан эмаслиги яна бир муҳим томони. Шу билан бирга, маҳсулот нархи ҳам нисбатан арзон.

Ушбу маҳсулотларни коммунал хўжалиги, автомобилсозлик, тўқимачилик, нефть-газ ва бошқа тармоқларда

қўллаш бўйича тақдимот қилинди.

Президентимиз бунинг афзалликларини тадбиркорларга тушунтириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича кўрсатма берди. Янги давлатларга сифат сертификатлари олиб, ташқи бозорга чиқишни янада фаоллаштириш, халқаро қурилиш ва саноат компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йил кластернинг корхоналаридан бири — "Басфайбер трейд" томонидан йилига 25 минг тонна базальт тошидан тола ва мато ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Ҳозирги пайтда 145 миллион долларлик зарур ускуналар келтирилган. Бу янги лойиҳа асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ички эҳтиёжни қоплаш билан бир қаторда, 90 фоизи экспортга йўналтирилади.

Мутасаддиларга шу ернинг ўзиде 500 миллион долларлик, қўшилган қиймати юқори бўлган 20 турдаги янги лойиҳаларни жойлаштириш вазифаси қўйилди. Натижада қўшимча 2 мингта иш ўрни пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидов туманида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивини бориб кўрди.

Вилоятда илгари ҳеч бундай кенг қўламли қурилишлар бўлмаган эди. Сўнгги йилларда ўнлаб заводлар ишга туширилди, янги саноат тармоқлари пайдо бўлди. Шунга яраша ижтимоий инфратузилма ҳам барпо этилмоқда.

Шароф Рашидов туманининг бу худуди адир ёнбағри, ундан деярли фойдаланилмас эди. Ҳозир 140 гектарли улкан майдонда жадал қурилиш кетмоқда. Лойиҳа уч босқичли бўлиб, 3 минг 936 хонадонли 105 та кўп қаватли уй барпо этилиши режалаштирилган. Уйлар 9, 12 ва 16 қаватли бўлиб, бу ҳам Жиззах шааритида янгилик.

Айни пайтда биринчи босқич доирасида 204 хонадонли 4 та кўп қаватли уй, марказий қозонхона, шоурум ва ички йўллар қурилган. Яна 16 та турархона, мактаб ва мактабгача таълим муассасаси, савдо маркази бунёд этилади. "Иннотехнопарк" аҳолини иш билан таъминлашда қўл келади.

Иккинчи босқич 2026, учинчиси 2028 йилларга режа қилинган. Бунда уйлардан ташқари маҳалла маркази, поликлиника, масжид, меҳмонхона, болалар ва спорт ўйингоҳлари, "Янги Ўзбекистон" боғи барпо этилади. Бўш

майдонларга ҳам дарактлар экилиб, хиёбонга айлантирилади.

Давлатимиз раҳбари бу йил режалаштирилганга қўшимча уйлар қуриб, имтиёзли ипотека кредитлари орқали аҳолига харид имкониятини яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Шунга муносиб равишда инфратузилма тармоқлари, мактаб, болалар боғчаси каби ижтимоий муассасалар қурилишини жадаллаштириш, савдо ва хизматларни, жумладан, йўл бўйида умумий овқатлашиш шохобчаларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Жиззах вилоятида учта шундай массив барпо этилмоқда. Уларда 4 минг 700 хонадонга эга 156 та кўп қаватли уй қурилади. Аҳоли барча ижтимоий хизматлар билан таъминланади. "Янги Ўзбекистон" массивлари қуриш ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги Фармониға мувофиқ бошланган. Умуман, мамлакатимизда 53 та массивда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган. Бугунги кунда 14 минг 400 та хонадонли 409 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Жорий йилда бундай массивларда 31 минг 447 та хонадондан иборат 767 та турархона қурилиши белгиланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Шароф Рашидов туманидаги Туёқли маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуш шароити ва даромадлари билан қизиқди.

Маҳаллалардаги имкониятларни ишга солиб, аҳоли бандлигини таъминлаш бугун давлат сийсати даражасига кўтарилган. Бунда энг қулай ва ҳамма-бон имкониятлардан бири томорқадан фойдаланишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартдаги "Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжалиқларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориде катта имкониятлар белгиланди. Бундай омилкорликни Туёқли маҳалласида ҳам қўриш мумкин. 678 та хонадоннинг деярли ҳаммасида томорқа бор. Уларнинг жами майдони 36 гектар. Мевали дарактлар, ток ва сабзавотлар яхши ҳосил беради. 314 та хонадондаги иссиқхоналарда полиз экинлари ва гул қўчатлари етиштирилади. Давлатимиз раҳбари шу ерлик

Абдумўмин Каримов хонадонини кириб кўрди.

Уйнинг томорқаси 12 сотих, шундан 7 сотихида иссиқхона барпо этилган. Бундан ташқари, чорва, товуқ, асалари боқилади. Хонадон эгаси рўзгорбоп экинлар етиштириб, йилига 200 миллион сўмдан зиёд даромад олаётганини сўзлаб берди.

— Уртача маҳалладаги шу оддий хонадон мисолида қўрапмизки, оиланинг ўзида ҳаракат бўлса, яхши даромад топса бўлади. Аҳоли ихтиёрида томорқалар, ундан фойдаланаман деган инсонлар ҳам кўп. Фақат уларга ёрдам бериш керак. Масалан, маҳаллий корхоналарни жалб этиб, иссиқхона қурилмалари, воиш, асалари уяси, қўчат, уруғлик ва озуқаларни яхлит тўплам қилиб, арзон нархда етказиб бериш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент шу ерда "Маҳалла еттичилиги" билан суҳбатлашди. Жойлардаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали оилаларнинг даромадини, харид қобилиятини ошириш ҳақида сўз юритилди. Бу уларнинг ҳаёт сифатида, саломатлигида, фарзандлари камолида акс этиб, жамият ривожига ҳисса бўлиб қўшилиши таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "ADM Jizzakh" автомобиль заводи фаолияти билан танишди. Олдинлари Жиззах вилояти саноат кўрсаткичлари энг паст бўлган худудлардан бири эди. Бугунги кунда ҳар бир туманга саноат кириб борди.

Вилоят саноатини ривожлантиришда "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси катта ўрин тутмоқда. У маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича республикада учинчи, экспорт ҳажми бўйича эса олтинчи ўринда туради. Кейинги йилларда унинг фаолияти тақомиллаштирилиб, ишлаб чиқаришга қулайлик кенгайтирилди. Бугунги кунда саноат зонасида 33 та лойиҳа амалга оширилиб, 7 минг 670 киши ишламоқда.

"ADM Jizzakh" масъулияти чекланган жамияти саноат зонасида самарали фаолият юритаётган корхоналардан бири. У 2021 йилда ташкил этилган. Ўтган уч йилда "Kia", "Chery" ҳамда "Haval" брендлари остида 23 турдаги 36 мингта автомобиль ишлаб чиқарилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат, хайру саховат, маънавий покликни айёми бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини бу йил юртимиз мўмин-мусулмонлари ўзгача шуқуқ ва ҳамжихатлик билан ўтказдилар. Айниқса, раҳмат ва мағфират нурлари ёғиладиган ушбу саодатли кунларда кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилаётгани, барча худудларимизда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида эҳсон дастурхонлари ёзилиб, эл-юртимизнинг тинчлиги, бахти ва келажаги учун дуойи фотиҳалар қилинаётгани бу ойнинг файзу тароватини янада оширмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бундай савобли ва олийжаноб ишлар Ер юзидеги барча инсонларни доимо дўст ва биродар бўлиб яшашга даъват этадиган муқаддас ислом динимизнинг эзгу гоёларини чуқур ҳис этган ҳолда мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни, турли миллат ва конфессиялар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлашга, бугунги ёруғ ҳаётимизнинг

қадрига етиб, уни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Муборак Рамазон ҳайити кунларида янада яққол намойн бўладиган ана шундай анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 10 апрель — **чоршанба** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2024 йил 10 апрель кунини Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилр Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда** ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон ҳайити кунларида **мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Маскур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 8 апрель

9 апрель — Амир Темураваллуд топган кун

АДОЛАТНИ ШИОР ТУТГАН БУЮК ҲУҚУҚДОР

«Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак».

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Улуғ давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси, шавкатли саркарда ва дунё тарихида ўчмас из қолдирган кучли

стратег — Амир Темураваллудига бу йил 688 йил тўлди. Буюк аждодимизнинг шонли тарихи етти асрни, унутилмайди,

хамон ўз кудрати билан ўтмишдан садо беради. Зотан, 40 га яқин давлатларни яхлит салтанатга айлантирган Соҳибқирон-

нинг башариат олдидаги хизмати бекиёс.

Миллатимиз ва она заминимиз доғруғини дунёга таратган, Ватан ва эл тимсолига айланган Амир Темураваллудининг сари унинг буюк сиймоси юксалаверади, янги қирралари юзага чиқаради.

Амир Темураваллудининг дунё юзини кўрган тарихий вазиятни мушоҳада этар эканмиз, Соҳибқироннинг болалиги, ёшлиги мамлакат мўғул истилочилари зулми остида қолган, халқимиз энг буюк неъмат бўлмиш мустақилликдан маҳрум этилган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда қашшоқлик, фан ва маданиятда тушқунлик ҳукм сураётган шароитда кечганини кўраимиз.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ АВТОМОБИЛСОЗЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ХУДУДГА АЙЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Лойиҳа доирасида 234 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағлар ўзлаштирилиб, 1 минг 800 та иш ўрни яратилди. Биринчи босқичда йирик узелли йиғув йўлга қўйилган эди. Бир вақтнинг ўзига заводни кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилиб, жорий йил март ойида янги бино ва қувватлар ишга туширилди. Янги юқори технологияларни жалб қилган ҳолда штамплаш, пайвандлаш, бўяш ва йиғишни қамраб олувчи ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёнини атрофлича кўздан кечирди.

Корхона юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган. Улар Жанубий Корея, Япония ва Германия каби давлатлардан келтирилган. Заводда 30 та робот бор, ишлаб чиқариш жараёни 33 фаз автоматлаштирилган. Автомобилнинг юриш қисмлари созулган, статик ва динамик тормоз тизими тегишли жиҳозларни ўрнатилган.

Президентимиз заводда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, юртимиз саноят корхоналари билан кооперацияни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бу борада ишлар бошланган. 2024 — 2027 йилларда 348 турдаги бутловчи қисмлари маҳаллийлаштириш режалаштирилган. Айни пайтда мамлакатимиздаги 21 та корхона билан кооперация тизими йўлга қўйилган.

Умуман, корхонада йилга 100 минг донга енгил автомобиль ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Натияжада келгусида иш ўринлари сони 3 мингга етказилиши кўзда тутилган.

Автомобиллар сифатини янада ошириш мақсадида Жанубий Корея, Хиндистон, Хитой ва Вьетнам давлатларидан маҳаллий мутахассислар жалб этилди. Бу борада хорижий ҳамкорлар билан жорий йилдан бошлаб дастлаб 50 нафар муҳандис Жанубий Корея ҳамда Хитойдаги тадқиқот ва лойиҳалаш марказларида маҳаллийлаштиришга юборилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари заводда ишлаб чиқариш бошланган янги "Kia Sonet" автомобилни кўрди.

Охириги беш йилда Жиззах вилоятига 4 миллиард доллардан ортиқ инвестициялар кириб келган. 50 триллион сўмлик саноят маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 861 миллион долларлик экспорт қилинган.

Бу йил вилоятда 2 миллиард долларлик 400 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Уларда 11 мингга янги иш ўрни очилади.

Давлатимиз раҳбарига бу соҳадаги режалар тақдирот қилинди. Хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар 6 миллиард 100 миллион долларлик 50 та лойиҳани амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Лойиҳалар тоғ-кон, машинасозлик, электр техникаси, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармацевтика каби талаб юқори соҳаларда. Мухими, уларнинг натижа-сида қарийб 20 минг янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз инвесторларга лойиҳаларни амалга оширишда омад тилди. Мутасаддиларга уларнинг ижросини алоҳида назоратга олиш топширилди.

Ўзбекистон Президенти Жиззах вилоятига ташрифи чоғида саноят ва энергетика лойиҳаларининг бошланишига бағишланган маросимда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида барчани яқинлашиб келаятган Рамазон ҳайити билан табриқлаб, халқимиз манфаати йўлидаги ҳаракатларга хайр-барока тилади.

Маълумки, саноят ривожига барқарор энергетикага боғлиқ. Шу боис бу икки соҳа мутаносиб ривожлантирилмоқда. Биргина 2023 йилда мамлакатимизда 4 минг 600 та саноят корхонаси ишга туширилди. Саноят 6 фоизга ўсиб, 656 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 7 та йирик иссиқлик, куёш ва шамол электр станциялари тармоққа уланди.

Бундан ташқари, 14 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ҳисобига 12 гигаваттлик 31 та электр станцияси барпо этилмоқда. Бу йил Навоий, Бухоро, Наманган, Тошкент ва Қашқадарёда 2,6 гигаватт қувватлар тармоққа уланди. Умуман олганда, мукобил энергетикани ривожлантириш ҳисобига жорий йилда "яшил" энергиянинг генерациядаги улуши 30 фоизга етади.

— Биз бу ишларни халқимизга муносиб турмуш шароити ҳамда sanoatимиз ривожига учун узлуксиз энергия таъминоти яратиш мақсадида амалга оширяптик. Бу ҳамма ҳудудларда яхши аниҳанага айлини улгурди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жиззах вилоятида ҳам бундай лойиҳалар кўп. Улардан бири — Фаллаорол туманида барпо этиладиган, металлургияга ихтисослаштирилган саноят зонаси. У ерда 500 миллион долларлик 7 та лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, арматура, пўлат шарлар, қувурлар, автомобиль кузови ва махсус техникалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Худудда боғжона омбори ҳам бўлади. Жами 5 мингга иш ўрни яратилади.

Иккинчи лойиҳа — Фориш туманида Хитойнинг "China Poly Group" ва "China Electric" компаниялари билан ҳамкорликда қуриладиган куёш электр станцияси. 350 миллион долларлик ушбу мажмуа 500 мегаватт қувватга эга бўлади. Унда йилга 1,1 миллиард киловатт-соат "яшил" энергия ҳосил қилинади. Бу 450 минг хонадоннинг энергия таъминоти яхшиланади, дегани. Станциянинг дастлабки 200 мегаватт қуввати шу йил якунида тармоққа уланди.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, мажмур икки мажмуа қурилишини бошлаб берди.

Яқин йилларда Шароф Рашидов, Фориш ва Фаллаорол туманларида яна 1 минг 660 мегаваттлик иссиқлик, шамол ва куёш электр станциялари ҳам қурилади. Булар аҳоли турмуш даражасини ошириб, иқтисодиёт ривожига қўшимча туртки бўлади.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "BMB Holding" компаниясининг Шароф Рашидов туманидаги агрологистика мажмуасини бориб кўрди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экспортининг салоҳияти юқори. Бунда маҳсулотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни барча босқичини қамраб олган агрологистика марказлари жуда муҳим.

"BMB Holding" компаниясининг ўтган йил декабрда ишга тушган мажмуаси ҳам шулардан бири. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 57 миллион доллардан зиёд. Мажмуада йилга 10 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда 8 минг тонна бирламчи қайта ишлаш имкони мавжуд. 180 киши доимий иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини ва экспортга тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

Логистика марказига мевасабзавот маҳсулотлари Жиззах вилояти ва қўшни ҳудудлардан олиб келинади. Ўтган йили "BMB Holding" тизимидаги агрокластер томонидан 1 минг 200 дан ортиқ фермерлардан шартнома асосида 16 турдаги 52 минг тоннадан ортиқ ҳосил олди.

Жорий йилда Сайхунбод таърибаси асосида 2 минг 485 нафар аҳоли томорқалари билан кооперация асосида шартнома қилинади. Шунингдек, 4 мингга яқин фермер хўжалиқларининг 14 минг 500 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Бунинг натижасида кластер негизда қўшимча 32 мингтадан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилади.

Мажмуада фитосанитар ва санитар-эпидемиологик сертификатлаш лабораторияси, боғжона ҳамда банк филиаллари, хостел ташкил этилган. Лаборатория Россия, Хитой, АҚШ ва Германия давлатларидан келтирилган 34 та энг замонавий ускуна билан жиҳозланган.

Карантин ходимлари шу ернинг ўзига маҳсулотларни кўриқдан ўткази-ди. Мухими, улар томонидан расмийлаштирилган фитосанитар сертифи-

кат 119 та давлат томонидан тан олинди.

Бу каби имкониятларнинг мавжудлиги корхонанинг экспорт салоҳияти ва географиясини оширмоқда. Бугунча Қозғистон, Покистон, Россия Федерацияси ва Хитойга қарийб 43 миллион долларлик маҳсулот юборилди. Жорий йил якуни бўйича экспорт ҳажмини 58 миллион долларга етказиш режа қилинган.

Президентимиз бундай агрологистика марказларини бошқа ҳудудларда ҳам кўпроқ ташкил этиб, уларга муайян дала-ларини ва маҳаллаларни бириктириш зарурлигини таъкидлади. Бу тадбиркор учун етарли маҳсулот, аҳоли учун кафолатли харид имкониятини беради.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозим, 2017 йилда ташкил топган компания таркибда бугун 4 та қўшма ва 26 та шубҳа корхона мавжуд. Иқтисодиётнинг турли баҳаларида қарийб 1 миллион 500 миллион долларлик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги "BMB Opera Zafferano" қўшма корхонаси томонидан 400 гектарлик заъфарон плантацияси яратилди. Етиштирилган маҳсулотлар "USDA ORGANIC" сертификатига эга бўлиб, Италия, Австрия, Нидерландия, Франция, Жанубий Корея, Саудия Арабистони каби давлатларга экспорт қилинмоқда. АҚШ бозорига кириш учун ҳам "FDA" рўхсатномаси берилган.

Келгуси уч йилда бу лойиҳанинг қиймати 80 миллион еврога етказилиб, заъфарон етиштириш ҳажми 1,8 тоннадан 20 тоннага оширилади. Давлатимиз раҳбари бу режаларни маъқуллаб, заъфарон майдонлари ва экспортни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида барпо этилган Киберспорт аренасида ёшлар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 ноябрдаги қарорига мувофиқ, киберспорт турлари омаллаштирилмоқда. Жумладан, Жиззах шаҳрида соёқ теннис корти биноси ўрнида кибер-

спорт аренаси ташкил этилди. 1 минг 200 томошабинга мўлжалланган асосий зал замонавий ҳолатга келтирилди. Шунингдек, бу ерда 12 та ўқув ва машғулот хоналари, мажлислар зали, 35 ўринли ётоқхона ҳамда кафетерий мавжуд.

Арена универсал бўлиб, бокс, кураш, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка бўйича халқаро мусобақаларни, "Беш ташаббус" тадбирларини ҳам ўтказиш мумкин. Мажмуа таркибдаги IT академиясида ёшларга компьютер саводхонлиги, хорижий тиллар, график дизайн, дастурлаш, робототехника ва бошқа йўналишлар ўқитилади. Бу соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича "Мухаммад ал-Хоразмий ворислари" тизимини амалга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда киберспорт, шахмат, "Заковат" интеллектуал ўйинлари, баскетбол мусобақаларини кўзатиб, ёшлар билан мулоқот қилди.

— Бугун Жиззахнинг кўп жойларида бўлди, янги лойиҳаларни бошладик. Албатта, вилоятнинг иқтисодиёти, бунёдкорлик қўлами аввалгидан анча юқори. Лекин энг муҳим ютуқ — ёшларимизнинг ҳаракати, ниёти, ўзига ишончи. Биз белгиллаб олган стратегияни, катта марраларни шундай ёшлар билан амалга ошираемиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ташриф давомида мутасаддилар арена фаолиятига доир режалар хусусида сўзлаб берди. Хусусан, жаҳон чемпионатларида иштирок этиш учун турли даражадаги турнирлар голиблари билан дўстлик мусобақалари ўтказилади.

Ҳар бир йўналиш бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни профессионал спортга йўналтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВ,
Абдужалол ҚАЮМОВ,
Ўза мухбирлари.

Учрашув

Ўзбекистон ва Грузия ҳамкорлиги истиқболлари

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда амалий ташриф билан меҳмон бўлиб турган Грузия Парламенти Раиси Шалва Папуашвили бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларини фаоллаштириш, парламентлараро муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда савдо курсаткичлари ва ҳамкорлик лойиҳалари сони ортиб бормоқда. 2023 йилда товар айирбошлаш 23 фоизга ошди. Шундан келиб чиқиб, иккала давлат ҳам ўзигада бор салоҳият ва имкониятни ишга солиши, транспорт-логистика, банк-молия, туризм каби йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириши зарурлиги юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Учрашувда халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш мақсадида маданий-гуманитар алоқаларни фаоллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Грузия халқларини аёнанавий мустақам дўстлик ришталари боғлаб туриши, маданий тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши ҳамда ҳар жиҳатдан жуда яқин халқларимиз муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилиши ургулаб ўтилди.

Икки мамлакат ўртасида эришилган олий даражадаги келишувларнинг самарали ижросини таъминлаш учун парламентлар ўртасида мунтазам мулоқот-ни йўлга қўйиш, бу жараёнда парламентлараро дўстлик гуруҳларининг мувофиқлаштирувчи сифатидаги ролини оширишга ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, учрашувда гендер тенглик, ҳудудлар ўртасида алоқаларни мустақамлаш ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРА ОЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ



Сўнгги йилларда Ўзбекистон прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат юритиш, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини жадал ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтирмоқда. Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар натижасида нафақат яқин қўшниларимиз, балки иқтисодий жиҳатдан етакчи давлатлар билан ҳам тенг манфаатли ҳамкорлик юқори поғонага кўтарилмоқда.

Мулоқот

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Грузия Парламенти Раиси Шалва Папуашвили бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида делегация аъзолари "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифалар, унинг доирасида мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини рўёбга чиқариш борасидаги савий-ҳаракатлар хусусида сўзлаб берилди. Айни чоғда Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, палатанинг қўмиталари, комиссиялари ҳамда депутатларнинг асосий вазифалари тўғрисида атрофлича маълумотлар тақдим қилинди.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда Ўзбекистон — Грузия ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янада кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш, норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Шалва Папуашвили

сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мувозанатли, очиқ ва конструктив ташқи сиёсат, кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг натижаларини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, амалий руҳдаги учрашувларни изчил давом эттириш, парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш икки томон манфаатларига бирдек хизмат қилишини айтиб ўтди.

Учрашувда, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик, транспорт-коммуникация, тўқимачилик, электротехника, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар қўламини тобора кенгайтириб бораётгани хусусида ҳам сўз юритилди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган учрашувда томонлар алоқаларини янги босқичга олиб чиқишга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

Семинар

ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ, ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ВА ҚИРСАДАҚ ТАЖРИБАСИ

Авал хабар берилганидек, ўтган қисқа вақт мобайнида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи томонидан Янгийўл ва Окўрғон туманларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни маҳалладан бошлаб бўйича намунавий тизимни ишлаб чиқиш юзасидан муҳим чора-тадбирлар кўрилди.

Ишчи гуруҳнинг Тошкент вилоятига ташрифидан сўнг Қирсадақ маҳалласида хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш ишлари мутлақо янгича ёндашувлар ва тизим асосида йўлга қўйилди.

Сенат Раиси бошчилигида селектор тарзида ўтказилган республика семинарида бу ишларни юртимизнинг барча ҳудудига жорий этиш масаласи кўриб чиқилди.

Унда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, уларнинг ҳудудий бошқармалари, республикадаги барча маҳаллий Кенгашлар, унинг доимий комиссиялари, ҳокимликлар ва тижорат банклари вакиллари, маҳалла фаоллари, эксперт ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни Халқаро хотин-қизлар кунли муносабати билан ўтказилган анжуман-да ҳуқуқда аёлларни қўллаб-қувватлашга доир долзарб вазифаларни белгилаб бергани алоҳида айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда 9 442 та маҳалладаги 580 мингга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш, 205 минг нафар она-синглимининг меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга тайёрлаш, оилавий тадбиркорлик учун кредитларнинг камиди 40 фоизини аёллар тақлиф этган лойиҳаларга йўналтириш режалаштирилмоқда.

Шунга мувофиқ ишчи гуруҳ томонидан ўтган қисқа вақт ичида бир қатор ишлар бажарилди. Жумладан, республика бўйича маҳаллалар кесимида ишлаш истагидаги 589 минг нафар хотин-қиз таркибига 589 минг нафар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича тўққиз минг нафар хотин-қизларга 252 минг 885 нафар хотин-қизни касб-хунарга ва тадбиркорлик қўнимчаларига ўқитиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Халқ банки, "Микрокредитбанк", Бизнесни ривожлантириш банки орқали хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид 250 та тасвир-вий бизнес-лояиҳа тайёрланди.

Ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги шахсларга қўлайлик яратиш мақсадида "Лойиҳалар фабрикаси" электрон платформасини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди, унга Халқ банки, "Микрокредитбанк", Бизнесни ривожлантириш банки мавжуд электрон дастурлари интеграция қилиниши белгилаб олинди.

Шу билан бирга, 2024-2025 йилларда тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган хотин-қизлар-

ни қўллаб-қувватлаш бўйича 24 банддан иборат чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Семинар давомида Сенат Раиси ушбу мақсад ва вазифалар аниқ механизмлар асосида амалга оширилмасин, барча бирдек ҳаракат қилмасин, қўмиталар натижа бўлмаслигига тўхталиб, бу борада барча ташкилотларнинг раҳбарлари қўйи тузилма — маҳаллагача тушиб, иш бошлаганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Семинар доирасида Янгийўл тажрибасини барча ҳудудда йўлга қўйиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимининг ўрин-босари — Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи раҳбарлигида ишчи гуруҳлар тузилиши ургулаб ўтилди.

Бу ишчи гуруҳлар ҳар бир маҳалладаги ишсиз хотин-қизлар, уларнинг эҳтиёжи, имконияти ва тадбиркорликка қизиқшини алоҳида саволнома асосида ҳафтадан бир марта йўналтирилади. Ана шу ўрганиш асосида ишсиз ва даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагидаги хотин-қизларнинг аниқ рўйхати шакллантирилади ва улар мавжуд вакант ва янги яратилган иш ўринларига жойлаштирилади, жамоат ишларига жалб қилиш орқали бандлиги таъминланади.

Қолаверса, тижорат банклари, бандлик ва тадбиркорликка қўмаклашиш марказлари билан биргаликда апрель ойи давомида маҳаллалар режалари асосида 2024-2025 йилларда тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагидаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича туман (шаҳар) дастури ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда йил якунига қадар 252 885 хотин-қизни ҳар бир ҳудуднинг ихтисослаш-видан келиб чиққан ҳолда талаб юқори бўлган касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш таъминлайди.

Маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, хунармандчилик, касаначилик ва томорқаччилик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги она-синглиларимизга ўз вақтида субсидиялар ажратилиши таъминланади.

Семинарда белгиланган вазифалар Сенат Раиси бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи томонидан мунтазам мувофиқлаштирилиши, натижалар республика комиссиясининг жойлардаги мажлисларида доимий тарзда муҳокама қилиниши қайд этилди.

«Халқ сўзи».

Олмазор туманидаги янгиланиш жараёнлари кўздан кечирилди

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимизнинг Олмазор туманида бўлди. Ташриф давомида тумanning ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари, таълим муассасалари, ижтимоий объектлардаги шарт-шароитлар ва бандлик масалаларига эътибор қаратилиб, маҳалла фаоллари ва аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинди.

Сенатор ва ҳаёт

Бугун юртимизда ёш авлоднинг таълим ва тарбиясига барча ислохотлар занжирининг энг муҳим халқаси сифатида қаралмоқда. Олмазор туманида ҳам мактабгача таълим тизимини янада тақомиллаштириш, боғчаларда сифат ва қамровни ошириш, аҳоли энг ёқим қамров қўрсаткичи паст бўлган ҳудудларда янги давлат мактабгача таълим муассасаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сенат Раисининг дастлабки ташриф манзили тумanning "Зиёкор" маҳалла

фуқаролар йиғини ҳудудида янгидан барпо этилган 420 ўринга мўлжалланган "Kelajak bolalari" номи 20-мактабгача таълим ташкилоти бўлди. Болалар боғчасида яратилган шароитлар билан танишиш жараёнида тарбияда узвийликка эътибор қаратиш, фар

ЎЗБЕК МУҲОКАМАЛАР, КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР



Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари депутатлар томонидан атрафлича кўриб чиқилди. Муҳокамалар жараёнида қизгин саволлар, конструктив таклифлар ўртага ташланди.

Қонунчилик палатаси фракцияларида

Партия сайловолди дастурига ҳамоҳанг

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси атрафлича муҳокама қилинди. Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим нормаларига ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, Агротехника қўшма корпорациясидаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга оид ваколатлари белгиланган қўйилмоқда. Мунозаралар давомида фракция аъзолари Равшан Мамутов, Одинахон Отахонова қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталар экан, унда назарда тутилган янгиликлар партия сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва

вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанглигини қайд этди. Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижада қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза этиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш ваколатли орган сифатида Агротехника мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилиши таъминланади.

Одил судловга эришиш даражаси янада ошади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига коммунал тўловларни суд орқали ундиришда қулайликлар яратишга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси билан кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари ўзлари томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги давволар, аризалар ва шикоятлар билан фуқаролик ишлари бўйича

ча ва иқтисодий судларга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан овоз қилиниши таклиф этилмоқда. Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, унда назарда тутилган янгиликлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, лойиҳани янада тақомиллаштириш, уни пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор таклифлар берилди. Қонун ташаббускорлари берилган таклифлар урнини еқанлигини қайд этиб, ушбу ўзгаришлар ва қўшимчалар шахсоннинг қонуний манфаатларини ҳимоя этишни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатларини янада қучайтиришга, одил судловга эришиш даражасини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Профилактика инспекторларига қандай ваколат берилмоқда?

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига

га пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаласининг олдин олиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни ҳуқуқбузарликнинг хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилашни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда. Шунингдек, ички ишлар органларининг профилактика инспекторларига мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомаларни расмийлаштириш ваколатини бериш таклиф этиляпти. Мунозаралар давомида фракция аъзоси Таваккал Чориев қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб ўтди. Депутатнинг таъкидлашича, ушбу ҳужжат пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласига оид ҳуқуқбузарликлар содир этганини учун жавобгарлик чораларини тегишлигича ажратиш ва қучайтириш орқали уларнинг профилактика таъсири оширилишига ҳамда пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш давлат тизимининг янада мустаҳкамлашишига хизмат қилади.

Энди ўзбошимчалик билан эгалланган ҳолатларга ечим бор

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда

ларда қурилган бинолар ва ишоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинган. Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан ер участкаси ва унда қурилган иморатга бўлган ҳуқуқни, шунингдек, яқна тартибдаги уй-жой қурилган ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этиш тартиби белгиланмоқда. Шу билан бирга, ортиқча эгалланган ер участкасига, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидagi турарқиларга берилган ер участкасига ижара ҳуқуқини бериш асослари, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасини хусусийлаштириш тартиблари назарда тутиляпти. Йиғилишда фракция аъзолари таклиф этилаётган лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, соҳа ваколатлари бир қатор саволлар беришди. Хусусан, ЎзХДП фракцияси аъзоси Мавжуда Хасанова ҳозирги кунда айрим фермерлар, фуқаролар томонидан галланилик, пахтачиликка мўлжалланган суғориладиган ерларни ҳам ўзбошимчалик билан эгалланган ҳолатлар борлигини қайд этиб, қонун лойиҳаси қабул қилинган, мана шундан хонадон эгаларининг тақдири нима бўлиши билан қизиқди. Қонун ташаббускорлари ушбу масала қонун лойиҳасининг 12-моддасида акс этгани, яъни бино ва ишоот, шу жумладан, яқна тартибдаги уй-жой қурилган ҳолда ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига суғориладиган ерларда жойлашган тақдирда, ҳуқуқларни эътироф этиш масаласи қонунчилик ҳужжатларига асосан ер фонди

тоифаси ўзгаририлганидан кейин кўриб чиқилишини таъкидлашди. **Жавобгарлик қучайтирилмоқда** Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида ер ва ер ости бойлиқларини асраб қолтириш ва муҳофаза қилишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур қонун лойиҳаси билан Жинот кодексига фойдаланиш қазилмаларни руҳсатномасиз қазиб олиш ҳаракатлари маъмурий жазо қўйилганганидан кейин ҳам тақдоран содир этилганлик ҳолатлари учун жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, фойдаланиш қазилмаларни олтин изловчилар усулида руҳсатномасиз қазиб олиш учун тўғриватин тўғри жиний жавобгарлик белгилаш таклифи этиляпти. Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгаришлар киритилиб, профилактика инспекторларига табиий ресурсларга эгаллик ҳуқуқини бузиш, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрсатилди, ер бериш тартибининг бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни аниқлаш ҳамда ушбу ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий баённомалар расмийлаштириш ваколати берилмоқда. Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер ва ер ости бойлиқларини асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ қонунчиликнинг ижро этилишини, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини таъминлашга хизмат қилишини қайд этишди. **«Халқ сўзи».**

ЎЗБЕК ЗАМИНИНИНГ ҲИЖМАТЛИ ЖОЗИБАСИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим!

Муқаддас ислонинг асрлар силсиласида завол топмай келиши унинг ҳақ дин эканини намоеън этади. Унинг муқаддас китоби — Қўрғон карим, шунингдек, ҳадиси шарифдаги ўғиллар, эскирмас гоғлар банибашарни тўри йўлга бошлаши билан Ер юзида кадр топиб келмоқда. Жумладан, турли миллат ва элатларнинг келиб чиқиши бир ўзақдан экани, нифоқ ва жанжалларга йўл қўймай, ўзаро иноқликда тинч-осойишта ҳаёт кечиршига даъват бугунги даврда ҳам ибрат намунаси бўлиб қолмоқда.

Маънавият

Шундай экан, муқаддас динимизнинг ривож топган, гуллаб-яшнаган масканлари ҳамшиша эъозли саналади. Дунёнинг жуғрофий харитасидан уларни излагудек бўлсангиз, Ўзбекистон заминидан нигоҳингиз тўхтайдми. Нега? Бу саволнинг жавоби учун оддий бўлмаган тарихий ҳақиқатлардан иборат. Яъни Сирдарё ва Амударё бўйлариди қадим-қадимдан деджончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ривожланиб, икки дарё оралиги — Мовароуннаҳрда ўзига хос ўрнига, ўз овозига эга бўлган ўзбек халқи ҳалол меҳнати билан ҳаёт бардавомлигини таъминлаб келган. Муқаддас ислон дини ушбу заминда ёйила бошлаганидан кейин эса мазкур халқдан етишиб чиққан улар зотлар унинг маданияти, маънавияти ва маърифати яловбардорларига айланишган. Бу ҳодиса жуда улкан маданий силжисҳа, уларнинг дунё тамаддунига ислон дини маданияти орқали беқиеъ уллуш қўша олиш имконияти юзага келишига туртки берган. Бунинг дунё эътироф этади. Шунинг учун Марказий Осиё, энг аввало, ҳозирги муस्ताқил Ўзбекистоннинг оддий бўлмаган долғали тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда башарианинг эзгуликка, олийжанобликка, яхшиликка, энг муҳими, жаҳолатдан уйғоншига даъват этувчи мозий садоларини илғаш мушкул эмас.



масаласида бугунги Ўзбекистон ибрат-намуна бўлиб келмоқда.

Эндиликда, янги Ўзбекистон шароитида учинчи Ренессансининг маданий-маърифий пойдеворини яратишнинг янги тўлқинларида бу ҳодиса дунё миқёсда намоеън бўла бошлади. Шу сабабли яхшилик, эзгулик аъмолига айланган мусулмонлар қаерда бўлмасин, ислон маърифати борасида сўз кетса, бугунги Ўзбекистон ҳудудиди жойлашган муқаддас шаҳарларни эслашлари ҳам бежиз эмас. Негаки, муқаддас ислон динида сўз ва амал бирлиги юксак қадрият ҳисобланади. Сўзда айтиб, амалда тескарсини қиладиганларга мунофиқ дейилади. Ўзбек халқи маълум бир даврларда муқаддас динимизнинг бош китобидан, ҳадиси шарифлардан мосуво қилиб қўйилган эса-да, ўз ҳаёт тариқи, амали, тўғрисиқлиги, адолатлилиги билан ҳақиқий муслим эканлиқларини кўрсатиб келдилади. Бугунги Ўзбекистоннинг йилдан-йилга ободонлашиб, замонавий сайёҳлик марказларига айланган бораётган муқаддас шаҳарларини, ақали, бир марта бориб кўрган киши бунга амин бўлади.

Қадимда уламолар “Ер юзининг барча жойига қўқдан нур инса, ердан қўқка нур чиқадиган жой”, деб таърифлаган биргина Бухоро шаҳрининг асил ўзанларига қайтиб, ислон маърифати га алоқадор сўз ва амал бирлигини ободонлашган қадимий ёдгорликлар орқали намоеън этиб туриши ибратлидир. “Ҳожонинг” тариқати асосчиси Абдухлоқ Гиждувонийнинг Бухоро мўъжизакор замин экани тўғрисидаги мисраларини унинг Гиждувондаги мақбарасига қадами етган зиёратчилар кўп эслашади.

Тупроқлари анбар ифтор, файзи эса мўъжизакор — Хусрав, Доро, Кайхусравнинг ўлкалари эмас асло. Ер юзини уч мартаба кезиб чиқиб, сездим такорор — Ҳам латифу, ҳам шарифлик эгасидир бир Бухоро!

Дарвоқе, бу муқаддас максадда Абдухлоқ Гиждувонийдан бошланиб Бахуудин Нақшбандга қадар давом этган етти пир ёдгорликлари дунё мусулмонларини ўзига жалб қилган зиёратгоҳлар эканида жозибали ҳикмат мавжудки, уни дунёнинг бошқа ҳеч бир ерида, қолаверса, бундай мухташам ва мунтазам шаклда кўриб бўлмайди. Кўпчиликка маълум бўлгани учун уларнинг барчасига бир-бири тўхталиб ўтирмай, бу жозибали ҳикматнинг маъно-маъмунига эътибор қаратиш дунёни ҳақолатдан қутқаришга қодир, етар оламан. “Дунёни гўзаллик қутқаради” дейишади. Тўғри, Момо Ҳавво хуснда ягона. Зулайхонинг

қалбини забт этган Юсуф ҳам гўзаллик тимсоли. Аммо улар афсоналарда қолди. Шафқатсиз дунё афсоналарини, гарчи уларда ҳақиқат белгилари бўлса-да, инкор қилиб яшашга қўнқачан. Улар дунёни қутқарадиган фазилат муваққатликни тан олмаслигини яхши билишади. Ҳеч қачон завол билмайдиган, эскирмайдиган, қайси давр ва қайси маконда бўлмасин, аҳамият касб этадиган мангуликни кўрмоқчи бўладилар. Шундай маҳалларда, ундайларга қандай қилиб бири кулоллик, яна бири боғдорчилик, бошқаси баҳмал тўғриси билан тирикчилик қилган Бухородаги етти пирнинг муқаддас ислон ақидаларидан келиб чиқиб, яратган гоғлари ёрдам бера олади? Бундай жойлар дунёнинг бошқа гўшаларида йўқми? Албатта, йўқ! Нега деганда, Абдухлоқ Гиждувонийдан бошланиб, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анхир Фағнавий, Ҳожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва охириги Баҳауддин Нақшбанд таълимотларига “сўз ва амал бирлиги” бош гоғ сифатида туради. Ораларидаги масофа ўнлаб километрларга қўзилган бу зотлар яшаган жойларда бугунги кунда ҳам уларнинг авлодлари мўминларнинг мўмини, қалби Аллох нури билан ёришган кишилардир. Улар Аллохнинг инъом этган ризку рўзи барокатида баҳам кўришади. Шу сабабли дунёнинг турли мамлакатларидан шунчаки саёхат учун келадиган турли диндагилар ҳам бу ерлардаги сўз ва амал бирлигига тан бериб, хайратдан ёқа ушлаган ҳолда ислон динига хайрихоҳликларини ошиб боради.

Ҳа, дунёни сўз ва амал бирлиги қутқаради. Айнан, Бухородаги етти пир зиёратгоҳи шундан бизга хабар беради, барчага сабоқ улашади. Ёлғон гапирманг. Айтдингизми, бажаринг. Қўл меҳнатда, қалб ибодатда бўлиши керак. Тарки дунё қилиб, фақат тоат-ибодатда, назр-ниёзлар асосида умр кечириб, дин аҳли иши деб билганлар учун Абдухлоқ Гиждувоний “Қалбинг Яратганда, қўлинг ишда бўлсин”, деган муҳим ўғитини ўртага ташлади. Кейинчалик бу нақшбанди тариқатининг энг муҳим шиори сифатида дунёга кенг ёйилди. Бухоронинг “Олтин силсила” деб ном олган етти пир сайё-ҳаракатлари туфайли амалга ошган диний ислохотларнинг оқибат натижаси ўларок, бугунги кунда Ўзбекистон ислон маърифати борасида ўзининг муҳим сўзини айтишга ҳақи эга. Шундай бўлди ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 72-сессиясида сўзлаган нутқиди ислон динининг дунё миқёсиди ўрнига юксак баҳо берди. Ислон оламида Ўзбекистон раҳбариятининг сайё-ҳаракати билан шу тарика улғовро ёлг илгари сурилди. 2018 йил 12 декабрь кунин БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Мазкур резолюция лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилди. Бугунги глобал дунёда муқаддас динимизнинг аҳамияти, обрў-эътибори ва истиқболини ўзида мужассам этган бу резолюцияни дунё афкор оммаси хузурига Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари олиб чиқиб, ташаббус кўрсатди. Мазкур резолюция Шимолий Америка ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа китталарнинг 50 дан зиёд мамлакатлари билан ҳаммуаллифликда қабул қилинди. Улар қаторида Озарбайжон, Жазоир, Баҳрайн, Беларус, Гана, Миср, Ҳиндистон, Канада, Қатар, Қирғизистон, Ливан, Мароқаш, БАА, Умон, Покистон, Корея Республикаси, Қозоғистон, Саудия Арабистони, Сингапур, Судан, Тожикистон, Таиланд, Тунис, Туркменистон, Филиппин, Япония ва бошқа давлатлар бор эди. Бу ўринда Россия Федерациясининг ҳам алоҳида ўрни бўлганини мамнуният билан қайд этишни истардик.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда мазкур йўналишда аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ўзбекистондаги ислон цивилизацияси маркази ташкил этилди. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган, илмининг ҳамма учун оқиллигини таъминлаш, дин масаласидаги жаҳолатга барҳам беришни кўзда тутувчи “Жаҳолатга қарши маърифат” ёндашуви бу заминда учинчи Ренессанс пойдевори га қўйилган асослардан биридир. Ўзбекистон ва Россия мусулмонлари ўртасидаги алоқадор бардавом экани бизни мамнун этади. Бундай ҳамжихатлик ҳар жиҳатдан муҳим бўлиб, минтақалардаги экстремизм ва терроризм каби таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади. Террор ва зуравонлик миллат танламайди. Аммо унинг юзини шувут қилади. Шу маънода, бундай балоларга қарши биргаликда кураш олиб бориш лозимлиги кун тартибидан тушмайди. Бундай вазиятда халқ орасида тушунтириш ишлари олиб борадиган диний уламоларнинг иттифоқлиги зарурлигини унутмаслик лозим. Эндиликда диний таълим дастурларини мувофиқлаштириш, зиёрат туризмини йўлга қўйиш, меҳнат мигрантлари билан ишлашда ҳамкорлик ўрнатилиш жуда зарур. Ўзбекистон ва Россия диний уламолари ислоннинг ҳақ дин эканини тўғри тушунтира олиш вазиофаси бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарблигини теран ҳис этиб туришида.

Муқаддас ислон динининг маърифати ва маънавиятини Ўзбекистон мисолида дунёга тушунтириш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Нега деганда, ҳозирги кунда дунё бўйлаб кечаётган жараёнлар шунча тақозо этмоқда. Қисқача айтганда, инсоният тақдирини муҳим бурилишлар қутилаётган гоғ нозик даврда яшамоқдамиз. Бундай чоқда сўз ва амал бирлиги бузилиши, жаҳолат, манфаатпарастлик, сўқирлик асрлар давомида амал қилиб келган дўст-биродарлик, оға-инилик туйғуларига жиддий зарар етказиб қўйиши мумкинлигидан эҳтиёт бўлмоғимиз лозим.

Узоққа бормай, шу йил 22 март кунин Москва яқинидаги “Крокус Сити Холл”да юз берган, кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган ваҳиёна котилликни эсласак, аҳли муслим орасида таълим-тарбия, одоб-ахлоқ масалалари нечоғли долзарб равишда кун тартибига чиққанини англаймиз. Бу террорчилик ҳужуми оқибатида қурбон бўлган, жароҳат олган юзлаб бегуноҳ одамлар, аёллар, болалар, гўдақлар айби нима эди? Ахир бу Худонинг газабини келтирадиган ҳолат-ку! Энг ачинарлиси, қўлга олинган ўнлаб тожикистонлик террорчилар орасида бир оиладан уч нафари ҳам бор экан. Қуринадики, диний маросимлар ўтказиб ўзларини аҳли уммат ҳисоблаша-да, нафақат сўз ва амал бирлиги, балки инсоний туйғулардан маҳрум бу махлуқлар бутун миллат юзини шувут қилишлари мумкинлигини йўлаб кўришга қодирми? Ер юзи ҳаёти мунтазамлиги ва мутаносиблик учун нанкин инсон қонини тўқши, балки энг майда ҳашаротларга ҳам озор етказмаслик ҳақидаги ислоний таълимотлардан бу манкуртлар, албатта, беҳабарлиги ислон динига амал қилаётган ўлкаларда таълим-тарбия, маорифни янада қучайтириш лозимлигини кўрсатади.

Мана шу оғир кунларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг Россиянинг Москва вилоятидаги “Крокус Сити Холл” концерт залида содир бўлган фоҳиа оқибатида ўнлаб бегуноҳ инсонлар қурбон бўлгани ва жиддий жароҳат олгани муносабати билан Россия Президенти Владимир Путин Жаноби Олийларига таъзия йўллади. Ўзбекистон тинч аҳолига қарши қаратилган бу террорчилик ҳаракатини қатъий қоралашини билдирди. Ўзбекистон раҳбари вафот этганларнинг яқинларига бардамлик, барча жароҳат олганлар тез фурсатда соғайиб кетишини тилгани оғир кунларда ҳамкор ва дўст мамлакатларнинг бир-бирига елкадош туришига яққол мисолдир.

Тарихдан маълумки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашист босқинчилари қўққисдан кириб келган Россиянинг турли ўлкаларида Ўзбекистонга қўчирилган болаларни халқ ўза ола аъзоларидан кам кўрмаган ҳолда бағрига олгани, ювиб-тарагани, тарбиялагани икки дўст давлат тарихининг муштараклигидан далолат бергани ҳолда ислоний кадрятларнинг ўзбеклар руҳига азал-азалдан сингир кетганини ифода этади. Яратганга эътиқод инсонга меҳр билан мана шу муқаддас ўзбек заминиди ўзини оламга намоеън этган эди. Ушунда Ўзбекистонда оддий меҳнатқашлардан бошлаб илм ва санъат аҳли, маориф ва маданият ходимлари ҳам яқдл бўлиб, Ватани душмандан ҳалос этмоққа бел боғлаган эдилар. Халқ руҳидаги муқаддас ислоний кадрятлар ватанпарварликка йўғрилиб кетганди. Бу савобли ишлардан диний идоралар ҳам четда турмаганини алоҳида мамнуният билан қайд этмок жоиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда дин аҳлига, илм аҳлига юксак эътибор кўрсатилмоқда. Биринчи ва иккинчи Шарқ Ренессанси даврида уйғонган ислон маърифати, маънавияти, кадрятлари Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари раҳбарлиги остида юксалиш бошқичига қўтарилиб, икти-содий ва ижтимоий, маънавий ҳаётнинг барча соҳасини қамраб олмақда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда содир бўлган ўзгаришлар қаторида ислон динига эътибор кишини қувонтиради. Инсоният ўз ҳаётида энг буюк бурилишлар сифатида юз берган икки Шарқ Ренессансидан ҳар қанча миннатдор бўлса арзийди. Бу буюк ўзгаришлар жаҳолат тўсиқларини оша унга маданий-маънавий муҳитни ҳадя этади. Дунёнинг қайси нуқтасида бўлмасин, бугунги тараққиёт ва юксалишни, илм-фан ривожланишини, иймон-эътиқод мустаҳкамлигини ўзбек заминиди ўз берган ана шу беқиеъ ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда инкишоф этишга ҳаракат қилишади.

Аслида, энг тўғри йўл ҳам шудир. Қадимдан Самарқанд Бухоро шаҳарларидаги мадрасаларда диний ҳамда дунёвий фанлардан бирдек сабоқ берилгани боис бу ерга келиб ўқишин ислон олами ёшлари орзу қилишган. Тошкент, Термиз, Насаф каби шаҳарларда ҳам илм-фан, маънавият ва маърифат, адабиёт, санъат илоҳиётшуносликка йўғрилган ҳолда гуруҳлар ривожлангани ҳақида тарихий маълумотлар гувоҳлик беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда барча соҳада олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорликлар, шитоб тараққиёт учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган. Дастлабки икки Шарқ Ренессансининг асосларида ҳам худди янги Ўзбекистондаги каби ислон динининг маданий-маърифий муҳити, оқим дунёвий қарашлари, илм-фанга даъвати турар эди. Ўзбек заминиди пайдо бўлиб дунёга тарқатган дастлабки икки Шарқ Ренессанси махсули бўлган китобларни ўзбек халқи ўза она тилида мутолаа этиш имконини қўлга киритгани унга азалий ўзанларга қайтиб иш кўриш имконини берди.

Аллоҳ таоло “Таҳрим” сурасида шундай марҳамат қилади: **“Эй иймон келтирганлар! Узингизни ва аҳлу аёлингизни ёқилгиси одамлар тўшлардан бўлган ўтдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, даргазаб фаришталар бўлиб, улар Аллохнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрисалар, шунини қилдилар”** (6-оят). Бу ояти кариманинг маъносини ҳақиқда сўрашганда, ҳазрати Али розияллоху анху: “Уларга таълим беринлар ва уларга одоб беринлар, дегани”, деб айтган.

Бу муқаддас қалом ўзбек заминиди асрлар давомида шаклланган жозибали ҳикмат — сўз ва амал бирлиги, илм-фан, таълим-тарбия, маърифат-маънавият, маданият бугунги Ўзбекистонда ҳам бардавом эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу ҳаёт жозибали, тинчлик-осойишталик, хотиржамликка даъват этади, инша Аллоҳ!

Альбир ҚРҲАНОВ,
Россия мусулмонлари диний жамоаси раҳбари, Москва муфтийси.

АДОЛАТНИ ШИОР ТУТГАН БУЮК ҲУКМДОР



1

Бу даврда мамлакат мустақиллиги, жамият ҳаётининг барча соҳасида тараққиётни таъминлаш тарихий заруриятга айланган. Айнан шу тарихий зарурият талабларига жавоб бера оладиган ҳислатларга, салоҳиятга эга бўлган тарихий шахсга эҳтиёж туғилган бир шароитда Амир Темур дунё сахнасига чиқди. Оилада олган тарбияси, устозларнинг ўғитлари, халқнинг дардини ва давр муаммоларини ҳис этиши ҳамда унинг ечимлари бўйича изланиш, келажакни олдиндан кўра билиш қобилияти уни шундай шахс сифатида шакллантирди. Аҳамиятисиз, бу шону шавкат соҳиби номи остида миллат бирлашиш, халқлар жипслашиш, мустақил давлатчиликнинг мустақкам пойдевори қурилди.

Француз филологлари таъкидлагани каби “Буюк инсонларнинг дунёга келиши — буюк тасодифдир”. Бутун ҳаёти мутасил урушлар ичида кечган бўлса-да, аслида Амир Темур тинчликсевар, элпарвар ҳукмдор эди.

Уз даврида Мовароуннахрнинг энг қудратли амира бўлган Амир Темур истилочиларга қақшақчи зарбалар берган, юртини босқинчилардан тозалаган ва Туркистон заминиға мустақил давлат байроғини тиккан азму қарор эгасидир. Унинг қарор иш тамалида адолатни устун қилганлиги асрлар оша авлодлар қалбига муҳрланиб келади. Турк республикасининг асосчиси Мустафо Камол Отатурк Амир Темурга “Жаҳонда яшаб ўтган саркардаларнинг энг улуги” дея таъриф бергани ҳам бежиз эмас.

Тарихий манбаларда Амир Темур ҳар жанг олдинда аскарлар маошини ортими билан бериб бергани ҳақида маълумот берилади. Агар бу ислохот моҳиятини таҳлил этсангиз, ҳомилийк ва саҳийлик ортида кучли иқтисодчи бўлган саркарданнинг моддий рағбат кучи, олдиндан берилган масъулият қатъияти ва мотивация қудратига қаратилган сиё-

корлик ишларига қорлар эди. Айни шу гоё, Амир Темур кучли тасаввуф эгаси, мустақкам ирода ва чин эътиқод соҳиби бўлиб етишгани боис, ёш давлатнинг асосий мафкураси сифатида майдонга чиққан. Соҳибқирон 16 йиллик ҳукмронлиги даврида пиру комил Баҳоуддин Нақшбанд тарбиясига таяниб, катта салтанатни идора қилди. Улуғ аждодларимиз фаолиятидаги муштараклик — эрк, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, халқни бирлаштириш, ватанпарварлик туйғулари эди.

Соҳибқирон ўғитларининг бирида шундай ёзади: “Пири комил шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг “Кам егин, кам ухла, кам гапир”, деган панду насихатларига амал қилдим”. Бундан аёнки, Нақшбанд таълимоти моҳиятан ҳаммаша буюк амирнинг кундалик дастурига жо бўлган.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, улуг саркарданнинг устозларга, илм аҳлига ҳурмати унинг зиёрат одобиде ҳам намойён бўлади. Ҳар гал зафар қанотлари билан Шаҳрисабзга қайтганида, биринчи навбатда, устозлари, устозларининг устозлари ва айни пайтда ота-онаси қабрларини зиёрат қилгани тарихдан маълум.

Шунингдек, теурийлар салтанатининг пойтахти Самарқандга масофа ҳамда маънавий жиҳатдан

рифатли Амир Темурнинг фазилатларини кўрсатиб беради.

Француз олими Лангле бу борада шундай дейди: “Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга гамхўрлик қилишга асосий эътиборини берарди”. Бу эътирофлар эса бизга Амир Темур шахсининг давлат ва жамият бошқарувида қай даражада мукамиллиги, марказлашган давлат тизмини энг муносиб инсон қўлида эканига ишора беради.

У саройда мушоиралар ўтказиб турар ва ўзи ҳам мушоираларда аjoyиб шеърлар ўқир эди. Ҳазрат Алишер Навоий “Мажолис унафоис”да бундай ёзади: “Темур Кўрагоний — ..агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурулар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеда ўқибдуруларким, анингдек, бир байт ўқимок, минг яхши байт айтқонча бор”.

Қолаверса, “Темур тузуклари”да келтирилган куйидаги байт ҳам унинг назмда ҳис-туйғу устунлик қилган паллада ҳам софлик, тўғрилиқ, ҳалоллик ҳаммаша диққат-марказида турганлигидан далолат беради:

“Ёрға еткур эй сабо,
ким макр қилмушдир манга,
Қилди эрса кимга макрин,
қайтадур бир кун анга”.

Байт мазмунидан англашиладики, тўғрилиқ йўлида собит бўлган, “русти — русти” (куч — адолатда) деган юрак амри билан иш тутган султон макру хийлани қоралайди.

Дунёнинг деярли ярмини эгаллаган машҳур саркарда қабрининг устози Мир Сайид Барака пойида экани ҳам ундаги бекиёс тарбияни яна бир нишонаси. Уғил-қизларимиз, келажакимиз эгалари — ёшларимизга Соҳибқироннинг шаарафли ҳаёт йўлини ўргатиб бориш, уларга томирлариде қандай улуг фазилатлар эгаси, жаҳонга ибрат бўлган буюк тарбия соҳиби қони жўш ураётгани, унинг галабалари моҳиятида мана шундай фазилатлар яширин эканини англаш — бизнинг бурчимиздир.

Бу борада унинг яна бир кўркам фазилатига тўхталиб ўтмоқ жоиз. Кўҳна Шарқ алломаларидан бири Абдуллох Ҳотийфий “Хамса” дostonларини ёзarkan, “Искандарнома” ўрнига “Темурнома” битади. У Искандар ҳақида ёзишдан кўра, галабаларга тўла “Зафарнома”ни назм билан безар экан, Амир Темурни “подшоҳларнинг энг улуги” деб атайди. Бу эса саркарданно нукулдай ҳолатга солади ва ижод аҳлидан уни кўкларга кўтармасликни, мактамасликни сўрайди. Бу мукамил шахсининг камтарлиги ва оддийликни қадрлаши, кибрдан холи экани ҳам унинг бир қудрати эди.

Хулосалар кўп, қарашлар чексиз, лекин айтиш керакики, теурийлар Ренессанс асосчиси, миллий давлатчилик бунёдкори Амир Темур шахсини идрок этар эканмиз, миллий ўзликини чуқурроқ ҳис этамиз. Ўзбек давлатчиликни юқори босқичга кўтара олган, миллий тикланиш учун халққа тарихий таянч бўлган Соҳибқирон фаолияти нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам янги Ўзбекистон тараққиётида бекиёс ўринга эга.

Амир Темур даврида қилшқоқ ҳўжалиги, дехқончилик гуллаб-яшнади, экин майдонлари бир неча баробар ортди, бозорлар кенгайтирилди, шаҳарсозлик тараққий топди. Ўлкада яшил майдонлар, боғлар барпо этиш, иқтисодий фаровонликка эришиш орқали ташки савдо алоқалари мустақкамланди. Бу давр тарихга “Олтин давр” номи билан муҳрланди.

Буюк ҳукмдорнинг энг йирик қурилишлари — Аҳмад Ясавий макбараси, Шоҳизинда мажмуаси, Кешдаги Оксарой, Самарқанд марказидаги Кўксарой ва бошқа кўп-кўп муаззам иморатлар эди. Самарқанд атрофида кўплаб кўрғонлар қурилиб, уларга жаҳоннинг Париж, Қоҳира, Дамашк ва бошқа шу каби машҳур шаҳарларнинг номи берилган эди. Бобур мирзо “Бобурнома”да Самарқанд ва Бухоро оралиги Амир Темур томонидан бутунлай боғу роғ қилинганини ёзади. Соҳибқироннинг энг йирик боғларидан бири Самарқанд ва Кеш ўртасида барпо этилган бўлиб, ундаги қаср “Тахта Қорача” номи билан машҳур эди. Самарқанднинг чор-атрофларини “Боғи дилқушо”, “Боғи нав”, “Боғи бешиш”, “Боғи чинорон” ва “Боғи шамол” ўраб турарди. Шу ўринда тарихчи ибн Арабшох сўзларини келтириб ўтиш ўринли: “...шаҳар аҳлидан бадавлату мискинлар у [бўстон]ларга қараб йўл оладилар... Боғлардаги ширин, мазали мевалар баб-баравар [текин] эди. Чунки мевалардан бир қинтори ҳам арзимаган баҳога бўлса-да, сотилмасди”. Бундан кўриниб турибдики, Амир Темурнинг жаннатмонанд боғлари оддий фуқаролар учун ҳам доим очик бўлган. Бу масканларда халқ сайиллари, байрамлар ўтказилган.

Соҳибқирон ўзи барпо этган империяда осейишталикни сақлаш билан бирга, иқтисодийни юксалтириш ва элнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга алоҳида эътибор берди. Бунда энг самарали усул — мамлакатда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши, тараққий этиши учун имкон, шароит ва муҳит яратиб беришида кўринди. Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг юксак иқтисодий тафаккури, ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаши, бу борада яратиб бераётган шароитлари улуг аждоғимиз ислохотларига ҳамоҳанг эканининг яққол далилидир.

Инсоният тарихида ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамони, йўлбошчиси ва лидери бўлади, шу боис уларнинг осяотлари даврларга таъсир этади, халқ ва миллат раҳнамаси сифатида ном қолдиради. Уз даврининг буюк меъмори бўлган, Шарқда иккинчи Ренессансни яратган Амир Темурдаги буюк иқтидор, мамлакат тинчлиги, баркарорлиги йўлидаги жасорати, инноватор сифатидаги қарашлари бугун янги Ўзбекистонда янги Ренессанс асосчиси айланётган давлатимиз раҳбари сиёсатида тўла мужассам экани барчамизни қувонтиради.

Хулосалар кўп, қарашлар чексиз, лекин айтиш керакики, теурийлар Ренессанс асосчиси, миллий давлатчилик бунёдкори Амир Темур шахсини идрок этар эканмиз, миллий ўзликини чуқурроқ ҳис этамиз. Ўзбек давлатчиликни юқори босқичга кўтара олган, миллий тикланиш учун халққа тарихий таянч бўлган Соҳибқирон фаолияти нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам янги Ўзбекистон тараққиётида бекиёс ўринга эга.

Баҳождиррон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фаргона давлат университети ректори.


Тақдимот

«Зафарнома»нинг янги наشري

Теурийлар тарихи Давлат музейида Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди томонидан Соҳибқирон бобомиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида энг ишончли ва батафсил маълумот берувчи Шарафуддин Али Яздий қаламига мансуб “Зафарнома” асарининг янги таҳрирдаги наشري тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олганлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида Амир Темур ҳаёти, фаолияти ва меросини миллий гурур, мардлик ва шижоат, ватанпарварлик тимсоли ўлароқ чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидлади. Мазкур ишлар самараси сифатида улуг саркарданнинг тарихида тугган ўрни, фазилатлари, асарлари, бунёдкорлик ишлари ҳақида қатор тадқиқотлар қилинмоқда. Тарихий манбалар ўрганилиши, наشر этиляпти.

— Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си Соҳибқироннинг буюк давлат арбоби ва энгилмас саркарда сифатида тарихда тугган аҳамияти, беназир инсон сифатидаги хислатлари, ички дунёсини очиб берган бебаҳо асардир, — дейди китоб таъдбири муаллифларидан бири, тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмад. — Асар 1424-1425 йилларда ёзиб тугалланган. Форс тилидаги ушбу китоб ўтган олти аср вақт давомида ўзбек тилига бир неча бор ўғирилган. Хусусан, 1519 йилда Мўхаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан қилинган таржима том маънода ўзбек умумтоз насрининг буюк обидаларидан биридир. Биз ушбу таржима нусхадан фойдаланган ҳолда уни



тўлдириб, тушиб қолган қисмларини қайта тиклаб, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан илк бор наشر этган эдик. Ушбу янги таҳрирдаги наشري эса янада мукамаллаштирилди, янги маълумотлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар билан бойитилди. Шунингдек, солноманинг форсча матнига ишланмиш турли мактабларга мансуб миниатюралар зарбарағи ҳам илова қилинди.

Тадбир доирасида “Соҳибқиронга эҳтиром” халқаро талови голибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу таловда қўшни Қозғистон ва Тожикистондан ҳам бобомиз тарихига бефарқ бўлмаган ижодкорлар ўз иходий ишлари билан қатнашгани қувонарлидир. Юзга яқин иштирокчиларнинг иходий ишлари орасидан ҳакамлар хайъати томонидан 4 нафар голиб ҳамда 11 нафар рағбатлан-тирилуви тақдирланди.

Дилшоҳ ҚАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Тарихий обидалардаги битиклар ҳақида муаззам тўплам

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятида “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” китоб-альбому нашир этилиши муносабати билан медиаивент бўлиб ўтди. Унда лойиҳа муаллифи ва ташкилотчилари, тарихшунос олимлар, давлат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар ҳодимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.



Тадбирда Бутунжаҳон жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар, лойиҳа ва ташаббуслар ҳақидаги лавҳа меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда маданий меросни ўрганиш, асраб-авайлаш ва оммалаштириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади. “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” лойиҳаси айна мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

— Ўзбекистон ниҳоятда бой тарихий-маданий меросга эга мамлакат, улар орасида эпиграфика ёдгорликларининг микдори ва ноёблиги бўйича Марказий Осиёда етакчи мамлакат ҳисобланади, бу битикларнинг аксарияти илгари ўрганилмаган. Тақдим этилган китоб-альбом йирик лойиҳанинг биринчи босқичи яқини ўзида муассамлаштирган бўлиб, кейинги жилларда Ўзбекистоннинг кўплаб обидаларидаги ўрганилмаган битикларни қамраб олиш режалаштирилган.

Тадбир якунида тўпламларни беғариз тарқатиш учун тегишли ташкилотлар, вазирлик ва идораларга сертификатларни топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Спорт хабарлари

Халқаро турнирдан икки олтин медаль

Велотрек бўйича “Tashkent City Women Professional Cycling Team” жамоаси Швейцариядаги “Life’s An Omnium Madison” халқаро мусобақасида иштирок этди.



дастурида барча рақибдан ўзиб кетди.

Очколар пойғасида кумуш ва бронза медаллар италиялик спортчилар Мартина Алзини ва Валентина Занзига насиб этди.

Эътиборлиси, ушбу турнирда вакилларимиз 2 та олтин медалга сазовор бўлди. Хусусан, Нафосат Қозиева очколар пойғаси, Маргарита Мисюринна эса спринт

Спринт дастурида эса вакилимиздан кейин марра чизигига Алина Зейц (Швейцария) ва Ори Баш (Исроил) етиб келди.

«Халқ сўзи».

Амирхон Содиқов совриндорлар сафида

Шу йилнинг 4 — 7 апрель кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида камондан отиш бўйича “Kahraman bagatir spring arrows tournament — 2024” мусобақаси бўлиб ўтди.

Дунёнинг сара мерганлари иштирок этган мазкур турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳам совриндорлар сафидан жой олди. Эркақлар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз Амирхон

Содиқов Украина, Миср, Италия, Нидерландия ва Франция вакилларини мағлуб этиб, бронза медалга соҳиби бўлди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бююрма Г — 442. 14 540 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



РЕКЛАМА

DIQQAT, E'LON! BARCHA YURIDIK SHAXSLAR DIQQATIGA!

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2009-yil 24-iyundagi 177-son qarori ijrosini ta'minlash maqsadida “Toshkent shahar elektr tarmoqlari” MCHJ tajribali va maxsus litsenziyaga ega sug'urta tashkilotlarini hamkorlikka taklif etadi. Hamkorlik qilish istagini bildirgan barcha sug'urta tashkilotlari “Toshkent shahar elektr tarmoqlari” MCHJga 5 kun muddat ichida o'z takliflarini bildirishlarini so'raymiz.

Pochta manzili:
100007, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani,
Mirzo Ulug'bek ko'chasi, 30-uy.
Murojaat uchun telefon: +99871 268-44-08

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.25 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6